

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши	187
Н.Полвонов	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат	189
О.А.Yuldashev	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари	192
И. Исмаилов	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862)	195
Р. Дусчанов	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида)	198
Р. Джураев	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида)	202
М.Темирова	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991)	205
О.Халилов	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан	209
Д. Камбарова	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш	212
Қ.Кахаров	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари	214
Ф. Дадабаева	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси	217
Г. Азамжонова	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири	220
Н.Мерганова	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари	224
М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти	227
А.Х.Зинатуллина	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш	230
Ф.Анварова	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси	233

УДК:

ТАЛАБАЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛДА ОҒЗАКИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШНИНГ
ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРИ

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ УСТНОЙ ИНОСТРАННОЙ РЕЧИ СТУДЕНТОВ

PEDAGOGICAL WAYS OF STUDENTS' DEVELOPING ORAL SPEECH IN FOREIGN
LANGUAGE CLASSES

Н.Мерганова¹

¹Н.Мерганова

ФарДУ, немис ва француз тиллари кафедраси
ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада хорижий тил дарсларида талабаларнинг оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари ҳақида сўз боради.

Аннотация

В данной статье речь пойдет о педагогических методах развития устной речи студентов на уроках иностранного языка.

Annotation

This article discusses pedagogic ways in which students develop oral speech in foreign language classes.

Таянч сўз ва иборалар: кўргазмалар, намойиш, рағбатлантириш, нутқ ўстириш усуллари, жузъий хато, чет тилида равон гапириш, дунёвий қараш.

Ключевые слова и выражения: наглядная демонстрация, поощрение, приёмы развития устной речи, незначительная ошибка, свободная речь на иностранном языке, мировоззрение.

Key words and expressions: presentation, rewarding, methods of development of speaking skills, minor mistakes, fluency in foreign languages, outlook.

Чет тилини ўрганишдан асосий мақсад талабаларнинг чет тили соҳасидаги билимларини кундалик мулоқот жараёнида қўллаш олиш ва ўз фикрини баён қила олиш воситаси сифатида ўрганиш, чет эл ахборот воситаларини тушуна олиш даражасида эгаллаши ҳисобланади.

Ҳозирги куннинг талабаси чет тилини хорижий тил дарсларида ўрганар экан, аввало шу тилда эркин суҳбатлашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бунда ўқитувчининг вазифаси талабаларда чет тилини ўрганиш жараёнида тилни пухта эгаллашлари ва уларнинг ижодий тафаккур фаолиятини фаоллаштиришдан иборат. Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иштирокчиларнинг фаоллигини, аниқ мақсад сари интилишлари ва интизомли бўлишларига боғлиқ. Ўқув машгулотларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ташкил этиш учун сарфланадиган куч ва вақт ҳажми жиҳатдан анъанавий таълимни ташкил этиш учун сарфланган куч ва вақтга нисбатан анча кўп бўлади. Технологик воситалардан сўз билан тушунтириш самарали бўлмаган амалий

ҳаракатларни кўргазмалар тарзда намойиш этиш зарурати юзага келганда фойдаланилади, бу эса чет тилини ўрганишда жуда қулай воситадир.

Буюк немис тилшуноси Хелмкенинг фикрига кўра, гапириш, авваламбор, ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Демак, хорижий тилни ўргатишда асосий масъулият ўқитувчи зиммасига тушади. Ўқитувчи дарсда имкон қадар хорижий тилда гапириши лозим. Бироқ, талаба она тилида савол берганда, уни тушунганини изҳор қилиши керак. Яъни, талабанинг эркин мурожаати, иштирокига изн бериш зарур. Талабанинг хато қилаётганидан ташвишга тушиш ноўрин.

Шунингдек, ўқитувчи ўргатиш воситаларини танлаётганда талаба ҳаётига ва қизиқишларига яқин бўлган объектларга эътибор қаратиши лозим. Бунинг учун эса ўқитувчи албатта, талаба ҳақида, унинг билим даражаси, ўрганиш эҳтиёжи ва имкониятлари ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлиши зарур.

Топшириқларни белгилашда талабанинг ўзи иштирок этса, бу уни дарсга

янада яқинлаштириб, ўқишга рағбатлантиради. Тил ўрганаётган талаба сўзлар ва қоидалар, улар орасидаги боғлиқликни мисоллар ёрдамида тушуниши керак. Шунда у мустақил тарзда янги мисоллар тузади. Лекин бу ўқув жараёнининг асосий қисми бўлмаслиги, дарсни мураккаблаштирамаслиги зарур. Самарали натижага эришиш учун бир хилликдан чекиниш лозим бўлади. Дарсликларни алмаштириш, турли ўқув воситаларидан ва усулларидан, ҳар хил ўйинлардан фойдаланиш талабани зериктиришдан, дарсдан совишдан ҳимоя қилади. Сухбатсиз хорижий тилда нутқни ўстиришнинг имкони йўқ. Энг содда ва қисқа мулоқот, қизиқарли сахна кўринишлари, талабалар ёшига мос топшириқларни қўллаш кутилганидан ортиқ самара беради. Масалан, ФарДУнинг чет тиллар факультетининг немис тили йўналиши II курс талабалари (20 нафар) билан олиб борган “Тил кўникмалари интеграцияси” фанини ўқитиш жараёнида тажриба бошида 59% ўзлаштирилган бўлса, фанни якунлашда 68% ўзлаштиришга эришилди. Бунга дарс ўтиш жараёнида кўпроқ оғзаки нутқни ривожлантирувчи машқлардан фойдаланганимиз, уйга вазифа бериш ва яқка ишлаш усули самара берганини таъкидлашимиз лозим.

Гапириш аввалига энди тил ўрганишни бошлаган талабаларга қийинлик қилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар бундай талабалар билан ишлашда уларни тақлид қилишга ундашлари, гап ёки жумлаларни кўп маротаба қайтартиришлари лозим бўлади. Гапиришга ўргатишни имкони борича эртароқ, яъни илк дарсдаёқ бошлаш мақсадга мувофиқдир. Талабалар ўзлари билган сўз ва иборалар ёрдамида хабар беришни ўрганишлари лозим.

“Ўқувчиларни мустақил бўлишга мажбурлаб бўлмайди. Лекин шуни унутмаслик лозим: киши мустақил бўлмаса, мустақил фикр ҳам юрита олмайди” [1, 138.].

Хорижий тил дарсларида талабани ижодкорликка йўналтириш, унинг оғзаки нутқини шакллантиришда ўқитувчининг роли катта. Агар ўқитувчи талаба билан ҳамкорликда ишласа, унга бўлган ишончини дарсда кўрсатса, уни қўллаб-қувватласа тил ўрганаётган талабада ўзига бўлган ишонч

ортади ва у мустақил ўз фикрини айтишга журъат топа олади.

Агар талаба ва ўқитувчи ўртасида нафақат ишонч, балки ўзаро ҳурмат бўлса, ҳар бир талабанинг ўзига хос қобилиятлари ўқитувчи томонидан тўғри баҳоланса, талаба хорижий тилни ўрганишдаги қийинчиликларни бартараф эта олади, нотўғри жумла тузишдан кўрқмайди, мураккаб вазифаларга ечим топа олмаган тақдирда ҳам бу катта хато эмаслигини тушунади.

“Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчининг энг яхши суҳбатдоши саналади. Чунки ўқитувчи ўқувчи нимани тушунмаган бўлса, шуни тушунтиради, ўқувчи гапиришда нўноқланса, дарров ёрдам беради, сўзларни таржима қилади, ўқувчининг нутқини шакллантиришга туртки беради” [2, 210.].

Шуни таъкидлаш лозимки, чет тилида оғзаки нутқни ўстиришда фақат сўзларни ўрганиш етарли эмас, талаба бу сўз ва ибораларни ўз ўрнида қўллай билиши керак. Шунинг учун кундалик воқеаларга асосланган қисқа матн ёки диалоглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сўзлар ва иборалар ҳам шу матн ёки диалогдан олинган бўлиши лозим.

Маълумки, оғзаки нутқ ёзма нутқдан жумлаларнинг қисқалиги, соддалиги ва нутқ вазиятига мослиги билан фарқ қилади. Шунинг учун жумлаларни қисқартириш, соддалаштириш машқи гапиришни ўргатишга тайёрловчи самарали усуллардан ҳисобланади. Шунингдек, оғзаки нутқ жараёнида қисқа, содда ва мослаштирилган жумлалардан фойдаланиш нутқнинг равонлигини таъминлайди [3, 151.].

Қуйида оғзаки нутқни ривожлантирувчи баъзи топшириқларни бажариш усулларини кўриб чиқсак:

1. Ролли ўйинлар картаси. Истаган ролингизни танланг ва ёнингиздаги шеригингиз билан ижро этинг.

А. Сиз меҳмонхонага хона буюртириш учун кўнғироқ қилдингиз. Сизга бир хонали ётоқ зарур ва уни банд қилишингиз керак.

Б. Сиз меҳмонхонада ишлайсиз, сизга бир хонали ётоқ банд қилишни сўраб телефон қилишди. Бироқ, барча бир хонали ётоқлар банд қилинган, фақат келин-куёвлар учун махсус ажратилган хона мавжуд бўлиб, бир кунга 200 евро туради.

Бундай ролли ўйинлар кундалик мавзуни ўз ичига олган бўлиб, бу ҳолат чет тилини ўрганаётган талабага танишдир. Бундай мавзудаги ролли ўйинлар орқали талабалар нафақат оғзаки нутқини оширади, балки маданиятлараро мулоқотни ҳам ўрганади.

2. Баҳс-мунозара методи. Бунда гуруҳ иккига ажратилиб, 1-гуруҳ берилган мавзунинг ижобий томонини, 2-гуруҳ эса мавзунинг салбий оқибатларини ёритиб беришлари керак. Масалан: “Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш” мавзуси айнан талабалар ёшига мос мавзу бўлиб, улар бу мавзуда она тилида соатлаб баҳслашишлари мумкин, лекин чет тилида баҳслашиш осон эмас, шунинг учун бу ерда

ўқитувчи уларга ёрдам бермоғи, сўз ва ибораларни уларга олдиндан тушунтирмоғи зарур бўлади.

Демак, талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш кўпроқ ўқитувчи зиммасига тушади. Ўқитувчи талаба билан суҳбати жараёнида унинг гапиришда қандай қийинчиликларга учраётганлигини, қайси нутқ ибораларини унга ўргатиш кераклигини ва оғзаки нутқнинг қайси жиҳатлари унда яхши шаклландиқлигини англаб олиши ва шунга қараб гапириш кўникмасини шакллантириши лозим. Гапиришдан мақсад, гарчи айрим жузъий хатолар бўлса ҳам, фикрни тушунарли, равон, эркин баён қила олишдир.

Адабиётлар:

1. Ангелика Майер. Хорижий тилларни самарали ўқитиш ва ўрганиш. - Берлин, 2015.
2. Франк Свен. Чет тилини қисқи муддатда ўрганишга эришиш. – Бонн, 2000.
3. Сайдалиев С. Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари. - Наманган, 2019.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор).